



БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГЛАРИ,
ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ ПАХ-
ТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАН-
ПАРВАРЛИК ТАШАББУСЛА-
РИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН.

ЎҒИТ — ДАЛАГА

БЎСТОНЛИҚ (телефон орқали олинди). Шу кунларда Чирчиқ дарёси ёнбағирларидаги паст текисликларга жойлашган «Ленинград» колхози далаларида, парник ҳўжаликларида иш қилинган кетаяпти.

Сабзавоткорлар ишини социалистик мусобақа асосида ташкил қилиб парникларда кўплай эртанлар кўчатлар етиштиришмоқдалар. Кўчат экиладиган майдонлар текисланиб, ўғитларга тўйдирилмоқда.

Колхозчилар ички имкониятларни тўла ҳисоблаб чиқишди. Ҳар гектар ерга 10 тоннадан ўғит солиш керак, деган хулоса-

БУТЎН ДЎНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№29 (4276)

11

ФЕВРАЛЬ

ЧОРШАНБА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

САНОАТ ХОДИМЛАРИ АНЖУМАНИ

Саноат ходимларининг 10 февралда Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгаши саноатининг 1969 йилдаги иши ахуларининг ҳамда саноат корхоналари коллективларининг 1970 йилидаги ишлари ҳақидаги маълумоти муҳофиза қилиш. Кенгаш ишдаги саноат корхоналари, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва област икхона комитетлари раисларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, фабрика ва завод касабаси союз комитетларининг раислари, саноат корхоналари ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, новаторлар ва ишлаб чиқариш илгирлари қатнашдилар.

Кенгаши КПСС Марказий Комитети Спёсий Бюросининг аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин «Саноатининг 1969 йилдаги иш ахуларининг ҳамда саноат корхоналари коллективларининг 1970—йилдаги ишлари ҳақидаги маълумоти муҳофиза қилиш» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокара-лар бошланиб кетди. Кенгаш қатнашчилари ўз нутқларида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига шарафига республикада аниқ олиб кетган социалистик мусобақанинг кенг кулоч ёйганини тўғрисида, катта-катта резервлар тўғрисида гапирдилар. Бу резервлардан тўла фойдаланиш саноат ходимларининг энг муҳим вазифаси эканлигини айтишди.

Кенгаш қатнашчилари ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, Ўзбекистон ССР саноат ва транспорт корхоналари коллективларининг 1970 йилга олган социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

Кенгаш ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолари ва Бюро аъзоллигига кандидатлари Р. Қурбонов, М. М. Мухомов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нисонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЙЎЛ ДАЛАЛАРИДА

ОХУНБОВЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ. Пахта далалари киш уйкусида. Бу серхосил ерларда ҳадемай тракторларнинг ҳайқирини янрайди. Деҳқонлар ерга барака уруғи ташлашди. Колхоз деҳқонлари мана шу кампанияга ҳозирдан бошлаб таралдуд кўрмоқдалар. Улар колхоздаги мавжуд 40 та чопиқ трактори, 32 та саялка ва бошқа техника асбоб-ускуналарини ремонтини тезда тугалаш учун астойдил курашмоқдалар. Азамат механизаторлар бу ишда ташаббус кўрсатишяпти.

О. ХУДОЕВОВ.

«ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИ. Поёйсиз қир-адрларда пахтадан юқори ҳосил олишни кўлаб ҳар йили фидокорона меҳнат қилаётган колхоз деҳқонлари бултур самарали ахунага эга бўлдилар. 750 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ошриб ҳосил кўтаришди.

Юбилей йилида бундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштириш учун курашаётган колхозчилар қишнинг ҳозирги кунларида техника ремонтини қизғин олиб бормоқдалар. Улар техникани сифатли ремонтдан чиқариш учун бутун куч ва имкониятини ишга солимоқдалар. Пахтачиларда деҳқоннинг энг яқин мададкори бўлган техникани ўз вақтида тўла ремонтдан чиқариш шубҳасиз пахта ҳосилдорлигини янада оширишда катта роль ўйнайди.

«МОСКВА» КОЛХОЗИ. Шу кеча-кундузда колхоз устaxonасида бўлган киши механизаторларни қайноқ меҳнат устида учратади. Улар ҳўжаликка қарашли қишлоқ ҳўжалик асбоб-ускуналарини, барча техникани ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариш учун ҳаракат қилишмоқда.

Шунингдек, колхознинг зарбдор пахтачилик бригадаларидан ҳисобланган Сангари Эргашев бошлиқ бригадани ҳам баҳорини таралдуд бошланиб кетди. Бригада пахтакорлари далага маҳаллий ўғит ташини намунали олиб бормоқдалар. Бу бригадани ҳар кун далага 90—100 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқаришмоқда.

Н. ҲРИНБОВЕВ.

КЎКЛАМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРЯПМИЗ

Колхозимиз Ўрта Чирчиқ районида йирик пахтакор ҳўжаликлардан бири ҳисобланади. Биз беш йилликнинг сўнгги йилида 1600 гектар ерга чигит экиб, она-Ватанга 4210 тонна «оқ олтин» етиштириб беришга аҳд қилганмиз. Маълумки, бултур об-ҳаво нокулай келгани, гектарлар тўлиқ бўлмагани сабабли ҳўжалигимизда пахта тайёрлаш пиланини бажаролмай қардор бўлиб қолдик. Бу йил шу қарғимиздан узилишимиз керак. Кўкламга пухта тайёрлаш кўрмоқчимиз зарур. Шу мақсадда колхозчиларимиз ерга-ер қўшиб учун астойдил иш-тиломоқдалар. Масалан, Мингтепа массивидан 78, Нозим Мираев бошлиқ бригадани 22, яна 100 гектар бўз ерлар ўзлаштирилди бошланди. Ҳозирча «Узбекистонтехника» район бирлашмасининг 6 та бўз-дээрери билан 80 гектар ер текисланиб ўзлаштирилди. Бу ишда бўздорчи М. Патотский, А. Қийнов ўртоқлар аниқса; куч ва гайрат кўрсатаётганлар. Ана шу ерларга биз бу йил биринчи марта чигит экишимиз. Бу ерга насос билан сув чиқарилади. Бундан ташқари Ч. Чахалидаев эвеносида 13 гектар ер ортиқча томорчалар ҳисобига кенгайтирилмоқда.

Колхозимиздаги ҳамма ер кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган. 850 гектар ерга ҳай-дан олдидан 300 килограммдан суперфосфат солинди. Маҳаллий ўғитдан фойдаланишга ҳам зўр эътибор берилляпти. Ҳозирча 1650 тонна маҳаллий ўғит жамғарилиди. Шундан 1235 тоннаси далага чиқарилиди. Асосан гўнг колхоздаги Х. Ҳайдаров, Н. Мираев, Ч. Чахалидаев бошқарётган бригадалар эвеносларнинг кўп йиллардан бери дам берилмай чигит экиб келинган ерларига чиқариб солинди. Гўнг тўплаш ва ташинишда ҳозир 18 та прицеп, 2 та юк ортадиган агрегат ишлаб турибди. Гўнгни биз асосан райондаги совхозлараро бурдоқчилик базасидан ташиб олаётимиз. Шунингдек давлат томонидан берилган 500 тонна суперфосфат, 300 тонна азотли ўғит тўла ташиб олинди.

Колхозимиз аъзолари қишнинг илқ кунларидан фойдаланиб ирригация тармоқларини ҳам тўзаламоқдалар. Ҳозирча 950 кубометр тупроқ ишлари бажарилиди.

Колхозимизда техника ремонти ҳар қачонгидан тез ва сифатли ўтказилляпти. Механизаторлар мавжуд 28 та чопиқ тракторини, бир комплект бо-

ронани тўла ремонтдан чиқардилар. Шунингдек 16 та ҳай-дор тракторидан 14 таси, 23 та чигит экидиган саялкадан 20 таси, 10 та ер текислайдиган агрегатдан 6 тасини, 100 та зигзаг боронадан 50 тасини қўлашга шай қилиб қўйдилар. Ҳозир ремонтда 42 киши ишляпти. Бригада механиги Ғулом Ҳасанов, эвенос бошлиғи механизатор Мирзали Ҳасанов, механик Исмаил Қўшқовлар айланиса баракали меҳнат қилаётганлар. Колхозимизда техника ремонти 15 февралга тамомланади. Биз асосий эътиборини шунга қаратганмиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил беда-пахта алмашлаб экишга катта аҳамият бераётимиз. Эски бедзорни бўзиб чигит экишимиз, шундай қилиб пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун астойдил тайёрлик кўраямиз. Колхозчиларимизнинг ниятлари юбилей йили муваффақиятли ахулаш, галабага эришишдан иборат.

М. ҲАМРОЕВ,
Ўрта Чирчиқ райондаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

ПОИТАХТИМИЗДАГИ Шарикоподшипник заводининг илгор ишчиси Сора Денисламова ленинча меҳнат вахтисидан туриб, нормани доимо 120—180 процентдан бажаряпти. У доимо аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: ўртоқ С. Денисламова иш устида. А. Тўраев фотоси.

ЗАФАР КАЛИТИ

Иш қизгин кетаётган кўнларнинг биринчи «Ўзбекистон» заводининг юраги ҳисобланган 5-цех бошлиғидан комсомол комитетига шикоят тушди. Унда киши ёш мастер И. Полевой В. Потаповнинг ишдаги нити-зоменлигини, коллектив ўртасида ўзини тутолмасликларини ҳақида гап боради.

Завод комсомол комитетининг секретари Сандориф Пулатов шикоят билан танишиб чиқиб ҳайла қўмди: — Қўлида хунари йўқ, оддий ишчилар бўлганда бунчалар алам қилмас эди. Ахир, киши ҳам сергайрат, машина-созлик ихтисосига эга бўлган мастерлар-а! Бошқаларга ўрн-кам кўрсатиш ўрнига, ахир... Йўқ, бу масалани орқага суриб бўлмайди!..

Шундай ҳайлар билан Сандориф уларнинг масаласини цех комсомоллари ўртасида муҳокама қилиш керак, деган қарорга келди.

Комсомоллар танқидидан кейин ҳам улар ишда ўзгарини ясамиди. Бу иш охири завод комсомол комитетидан кўрилди. Кўпчилик уларни мастерликдан станокка ўтиб ишлашга, ўзларини оқлашга яна ўз ўринларига ўтказиш ҳақида маслаҳат берди. И. Полевой электро-кара

машинасига, В. Потапов — эса пресс станогига ишлашга ўтказилди.

Бу талбир қўл келиб, цехдаги эмас, бутун заводда ҳам мустаҳкам иттиҳоз ўрнатилди. Завод стендаларидан биринчи қўлдаги рақамларини ўқиш мумкин: «Завод бир минутда 150 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар 4 минут йўқотсан, битта саялка ишлаб чиқаришдан маҳрум бўламиз. 9 минут вақтин бий берсан, бир кўрак чувиш, 10 минут зое кетса битта подборщик тайёрланмай қолади».

Ҳа, булар оддий рақамлар эмас, балки дандиларнинг қадри-қимматидир.

Меҳнат иттиҳозини қаттиқ йўлга қўйилгани туфайли ўтган йили завод коллективини пахтакорларга 340 та кўрак чувиш машинасини етказиб берди. Суҳбатдошимиз Сандориф Пулатов билан цехларни айланиб юриб, ҳалиги икки йилгига дуч келдик. Улар механика-йиғув цехида станоклар ёнида саялкалар учун турли марказдаги ахтиёт қисмлар тайёрлаш билан банд.

Цех бошлиғи В. Соронкин ҳам, комсомоллар ҳам хурсанд. Коллектив биринчи кварталда 1800 та саялка тайёрлаш учун

курашмоқда. Бу ҳар кун 30—35 таданга тўғри келади. Шу кеча-кундузда 300 нафар ишчи-хизматчи, бир онла фарангларидек меҳнат қилишляпти. Улардан 50 га яқини комсомол-еилардир. Ветеран мастерлардан В. Колесников конвейерда, комсомоллардан А. Лукиянов, С. Буржановлар станциялараро жабҳаларда ишламоқдалар. Уларнинг кучи билан ҳозирча 200 та «СТХ-4 Б» маркали саялка тайёрланди.

Машинасозлар билан суҳбатлашиб, яна бир қувончли воқеанинг шохиди бўлдик. Улар планга қўшимча равишда кенг қаторли «СНХ-4 А-1» маркали саялкалар ишлаб чиқариш учун режалар тузишляпти.

— Бироқ, бизда, қолверса ҳамма цехда ишчимизни сал орқага «тортаётган» бир муаммо бор, — дейди цех бошлиғи В. Соронкин. — Бизга доим Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлик заводидан чўян қотишмаси келиб туриши керак. Биз бу қотишмани ўз вақтида олмас эканмиз, ойкики ва квартал планларимиз орқага сурилди кетади.

..Бу ерда яшш ағнага бор экан. Қайси ишлаб чиқариш соҳаси орқада қолса, уни кўтариш учун дарҳол ҳаракат қилинар-

кан. Коммунистик меҳнат зарбдори Степан Протас бошлиқ комсомол-еилар бригадаси ана шундай ишчилар коллективларидан ҳисобланади. 8-куни, 11-ақбосозлик цехлари ишлаб чиқаришда ордага қўлаётган эди. Бу эса заводнинг умумий кўрсаткичига ҳам таъсир қилиб, план-топишриқларининг бажарилишига ортада сураётган эди. Завод бригадани гайрат билан 40 қўлоқ цехлар кўп ўтмай илгорлар қаторидан ўрни олди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари А. Штанцев, Х. Хушназаров бошлиқ комсомол-еилар бригадаси азаматлари ҳам ана шундай ташаббускорлардандир.

Еш машинасозларнинг бу ташаббуси Тошкент область комсомол комитети томонидан қўлаб-қувватланиб, уни кенг ёйиш тавсия этилган бежиз эмас. Бекободдаги В. И. Ленин номи металлургия заводи коллективининг ташаббуси завод машинасозларини янада юксак марраларга чорламоқда. Ахир коллектив, беш йиллик пилани 10 декабрда, мажбуриятни эса 25 декабрда бажаришга аҳд қилган.

Ч. ДОЛИМОВ.

● УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголия Ҳалқ Республикасида КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига» аталган тезислари ўрганилмоқда. Республика турли айомларидаги партия маорифи пропагандаистларининг шу кунларда ўтказилаётган семинарларида ана шу ҳужжат билан танишиб чиқилмоқда. Семинар қатнашчилари партиявий-пропаганда ишнинг мазмунини ва аҳолини янада яхшилаш масалаларини ҳам муҳокама қилмоқдалар.

● РЕЙКЯВИК. (ТАСС). В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча» «сўли» касали» асари Исландияда исланд тилида нашр этилди. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига қадар исландияликлар Ленин

Мелетай ЛЕНТАСИДАН

нинг яна икки асари — «Давлат ва революция» ҳамда «Няма қилмоқ керак?» асарини ўз она тилларида ўқидиган бўладилар.

● ДЕХЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигининг 15 йиллигига бағишланиб, Бомбайда ўтказилган кечада сўзга чиққан «Файншл экспресс» газетасининг бош редактори Ж. М. Лауд бундай деди: «Ҳиндистон Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик туфайли оғир машинасозлик, фармацевтика саноатини вужудга келтира олди

ҳамда миллий нефть саноатининг пойдеворини қурди». У Ҳиндистон—Совет алоқалари бундан буюн ҳам кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораверадиган ишонч билдирди.

● ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Ҳалқ Республикаси сейми президиумининг тақдирини буюн, Чехословакия Социалистик Республикаси федерал мажлисининг раиси Д. Ганес бошчилигидаги ЧССР федерал мажлиси президиумининг делегацияси Варшавага келди.

● АММОН. (ТАСС). Фаластинликларнинг «Фатх» ташки-

лоти партизандари Иорданиядан босиб олган территориянинг шимолий қисмидаги Исроил қўшинларига қарши етти марта муваффақиятли операция ўтказганлар.

Партизандар Исроилнинг учта ҳарбий соқчисини гумдон қилганлар, учта кузатув пунктининг вайрон этганлар, бир атомашинани яқсон қилганлар.

● ХАНОИ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасидаги кўпгина завод ва фабрикаларнинг меҳнаткашлари Вьетнам меҳнат қўшунларининг охириш тўғрисидаги давлатга жалобан янавар ойки пиланини муваффақиятли равишда тўла ва охириш бажардилар. Вьетнам Демократик Республикаси химия саноати корхоналари янавар пиланини 2,3 процент ошириб адо этиди.



ЎЗБЕКИСТОН ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли ихтисослашган ремонт-қурилиш корхонасида 17 йилдан буюн меҳнат қилаётган слесарь Борис Кошопенко ўз ишининг моҳир устаси ҳисобланади. У кўпгина топишриқни 115-125 процентдан бажаряпти. Суратда: ўртоқ Б. Кошопенко — 560-киловаттлик трансформаторни қўздан кечирмоқда. Л. Глауберзон фотоси.

ЛЕНИНИЗМ—ДАВРИМИЗ МАРКСИЗМИ

Ленинизм—империализм ва пролетар революциялари даврининг, муаммаларни ҳал қилиш ва миллий озодлик ҳаракатлари галабаси даврининг, инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши ва коммунистик жамият қурилиши даврининг марксизмидир.

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» Тезисларида).

Инсоният ҳаётидаги бутун бир революцион давр Лениннинг номи ва фаолияти билан боғланган. В. И. Ленин тарихий тараққиёт жараёнида ўртага қўйилган жуда катта ақтуал масалаларни илмий асосда ечиб берди. У ўзининг улғу устозлари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг назарий меросини янги тарихий шароитга мувофиқ ривожлантирди ва бойитди.

Янги типдаги сёсий арбоб, революционер олим, пропагандист ва кенг халқ орасининг ақолидир ташкилотчиси бўлган В. И. Лениннинг бутун ҳаёти ва фаолияти инжасоратдан иборатдир. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ишчилар синфи ва Коммунистик партиянинг қурилиши билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетган.

Ленин илмий коммунизм асосчилари таълимотини янги шароитга мувофиқ тарзда ривожлантирибгина қолмасдан, бу таълимотни турли хил оппортунистик элементлардан ҳимоя қилди ва уларга қарши курашда Маркс таълимотини асосий қуроқ қилиб олди.

Ленин асарларида марксизмнинг уч таркибий қисми: фалсафа, сёсий иқтисод ва илмий коммунизм янада ривожлантирилди. Революциянинг буюк генейси Маркс таълимотини пролетариатнинг синфий курашида синов қилди ва бу таълимотнинг революцион ҳаракатга дастур сифатида ишлатиш билди. Ленин ва у ташкил этган Коммунистик партия ишчилар синфининг революцион ҳаракатига бошчилик қилиб, Россияда «легал» марксизмга, экономистларга, меншевикларга, эсер, анархист, троцкийчилар, ўнг огмачиларга, миллатчиликка, турли оқимдаги ревизионистларга қарши кураш олиб борди. Бу курашда Ленин Маркс таълимотини ҳимоя қилибгина қолмасдан, уни янги хулосалар билан янада бойитди.

В. И. Ленин Россия ва халқаро пролетариат олдига курашнинг равшан истиқболини кўрсатиб берди. Ленин социализмнинг бир ёки бир неча мамлакатда галабаси тўғрисидаги доҳиёна таълимотини ишлаб чиқди. Бу таълимот Лениннинг марксизмни ижодий ривожлантиришининг ақолидир тасмолли бўлди. Бу хулосани у «Империализм—капитализмнинг юқори босқичи», «Европа Қўшма Штатлари широрларига доир» каби асарларида янада ривожлантирди. «Биз демократик революциядан дарҳол социалистик революцияга ўтаб оламиз», «Биз узлуксиз революция тарafdоримиз. Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз» деган доҳиёна хулосаларини келтириб чиқарди.

В. И. Ленин Россияда биринчи рус революцияси мағлубиятга учрагандан сўнг турли хил оппортунистларга ва таслимчиларга қарши курашда фалсафий масалани ҳам чуқур анализ қилди. Унинг «Материализм ва эмпириокритицизм», «Фалсафа дафтарлари» ва бошқа асарлари Маркс ва Энгельснинг диалектик ва тарихий материализмининг ривожлантиришга бағишланди.

В. И. Лениннинг марксизмни ривожлантиришдаги улкан хизматларидан бири унинг социализмнинг айрим олинган бир ёки бир неча мамлакатда галаба қилиш имкониятини ҳақидаги доҳиёна кўрсатмаси ва янги партия ҳақидаги таълимотидир. В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг илмий хулосаларини, Коммунистлар Союзи ва Ишчиларнинг халқаро ҳамкорлиги каби ташкилотларнинг тарихий тажрибасини умумлаштириб, янги типдаги революцион партия тўғрисида ақолиб таълимотини ишлаб чиқди. Ленин янги типдаги партия ҳақидаги таълимотини яратиб билан бирга, Коммунистик партиянинг ташкилотчиси ва раҳбарини ҳам бўлди. Партияни ташкил этиш билан биргаликда унинг ташкилий, идеологик, тактик ва назарий асосларини ҳам ишлаб чиқди.

Маркс ва Энгельснинг революцион назариясини тўғрисидаги таълимотлари В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак» ва бошқа асарларида янада ривожлантирилди. «Илгор революцион назарияга амал қилувчи партиягина,— деб ёзди

В. И. Ленин-илгор курашчи ролини бажара олади. Марксча назария коммунистларнинг қўлида жамиятнинг иқтисодий, сёсий ва социал соҳада ўзгаришида илмий программа бўлиб хизмат қилади».

Марксча-ленинча назариянинг тўб ўзгартувчи роли В. И. Ленин раҳбарлигидаги большевиклар партияси фаолиятида революцион практика билан мукассамлаштирилганини Улуғ Октябрь социалистик революция галабасида ўз аксини топди.

Ленин партияни ҳар доим ўз сафларининг бирлигини мустаҳкамлашга, ютуқларидан эсанкараб кетмасликка, беғамликка берилмасликка чақирди. Партия ва унинг аъзосини ҳар доим халқ билан бирга бўлишга, халқнинг кайфиятидан хабардор бўлиб туришга чақирди. Партия тўғрисидаги ақолиб оқиргандагина халққа раҳбарлик қилиш мумкин эканлигини таъкидлади.

Ленин ташкил этган Коммунистик партия андиликда совет ҳалқининг сёсий раҳбарига, жангдор авангардига айланди. КПСС эндиликда ўз сафига 14 миллиондан ортиқ кишини жалпсантирган. Шундан 40 проценти ишчилар, 15,6 проценти колхозчилардир.

В. И. Лениннинг яна бир буюк хизмати шундан иборатки, у Маркс ва Энгельснинг пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимотларини янада ривожлантирди. Пролетариат диктатураси марксизмнинг бош масаласидир. В. И. Ленин ўз асарларида пролетариат диктатурасининг қўб томонларини кўрсатиб берди. Пролетариат диктатураси, унинг табиати, галабага эришадиган зарур шароитлар, пролетариат диктатурасининг форма ва функциялари, роли ва аҳамиятини 1871 йилги Париж коммунаси ва 1917 йилги Октябрь революцияси галабасининг тарихий тажрибаси асосида ишлаб чиқди ва янада ривожлантирди. Пролетариат диктатураси ҳақидаги Ленин таълимоти халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

В. И. Лениннинг буюк илмий жасорати яна шундан иборатки, у пролетариат диктатураси давлатининг янги типни бўлган Советларнинг кашф этди. Советлар Лениннинг буюк ижодий меросидир. Советлар, Ленин таъбири билан айтганда,

меҳнаткашларнинг социалистик давлатидир.

Тезисларда айтилганидек, социалистик қурилишнинг назарий ва амалий масалалари, жаҳон революциясининг ривожланиш истиқболлари, Октябрь галабасидан сўнг ленинизмда марксизм ўрнини эгаллади. СССР да социализмнинг галаба қилганлиги, бошқа мамлакатларнинг социалистик йўлга тушиб олганлиги Маркс-Энгельс ва Ленин таълимотининг ақолиб татанасидир. Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатлари социализмга ўтишлари билан бирга пролетариат диктатурасининг Халқ демократияси типига янги формаси мавжуд бўлди. Шундан қилиб, эндиликда пролетариат диктатураси, Советларнинг марксизмнинг формалари мавжуд бўлди. Шунинг учун ҳам Ленин, барча халқлар, социализмга бора диклар, лекин улар ўз мамлакатларининг учки шароитларини ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, турли хил йўллар билан борадилар, лекин улар галабасининг моҳияти битта — пролетариат диктатурасини ўрнатидан иборат бўлади, деб башорат қилган эди.

Ленин ва партия марксча таълимотнинг ижодий ҳаракатига эга эканлигини таъкидлаб, мамлакатнинг халқларини социализм сари бошлаб берди. Ленин ҳақидаги барча меҳнаткаш олимлар социалистик қурилишга жалб қилиш таълимотини галабасининг асосий шартидир, деб уқтирди.

В. И. Ленин Октябрьдан кейинги даврини ҳаракатлаб, мамлакатда вужудга келган оғир қийинчиликларга қарамайдан, бизда социализм жамият қурилишига учун ҳамма нарса мавжуд эканлигини айтди. Ленин ўзининг Октябрьдан сўнг ёзилган «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Коммунизмда бозаларча «сўллик» касали», «Буюк почин», «Омон-омон» сонини тўғрисида», «Оз бўлсин у сўз бўлсин» каби асарларида социалистик жамият қурилишнинг буюк планини тизиб берди. Ленин ва партия СССР да социализм галабасига шубҳа билан қараган троцкийчиларни ва бошқа оппортунистик элементларни фош қилди ва тор-мор этди.

Коммунистик партия В. И. Лениннинг ўлмас таълимотига суянган ҳолда мамлакатда социалистик жамият қуриш, жуда кўп қийинчилик ва оғир даврларни шараф билан енди. Лениннинг буюк кооператив плани асосида миллион-миллион майда деҳқон хўжаликлари социализм йўлига тушиб олди. Коллектив — колхоз хўжалиги вужудга келиб, эндиликда деҳқонлар учун коммунизм мактабига айланди. Ленин Маркс ва Энгельснинг майда деҳқон хўжалиги ҳақидаги ва уни бирик хўжаликка айлантириш ҳақидаги ўлмас таълимотларини ривожлантирди. Шундай қилиб, Ленин пролетариат диктатураси шароитида социалистик кооперациянинг ролига буюк баҳо берди. Албатта, қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ишчилар синфининг етакчилиги ва раҳбарлик ролисиз амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳам кўрсатиб берди. Ишчилар синфи социалистик жамиятнинг раҳбар ва етакчи қучидир.

В. И. Лениннинг ўлмас мероси асосида мамлакатда сёсий ва иқтисодий вазифалар амалга ошгандан сўнг маданий революция ўтказиш, халқ маорифи системасини вужудга келтириш вазифаси турар эди. Ленин ўтмишда қолоқ бўлган мамлакатимиз маданиятини қисқа муддат ичида ривожлантириш мумкин эканлигини кўрсатиб берди. Коммунистик партия Лениннинг бу вазифани ҳам амалга ошириш ва қисқа вақт ичида мамлакатимизда маданий революция галаба қилди.

Ленин ўтмишда қолоқ бўлган халқларнинг социалистик жамият қуриш жараёнида сёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги қолоқларини қисқа муддат ичида тугатиш, — миллий масалалар партия олдида турган энг муҳим вазифадир, деб кўрсатди. Доҳийнинг бу кўрсатмаси татанасини эндиликда Забенистон мисолида ҳам кўриб туримиз. Социализмга капиталистик тараққиётнинг четлаб ўтган Забенистон бугун йирик индустриал-аграр мамлакатга айланди. Забенистоннинг саноат маҳсулотлари эндиликда 100 га яқин чет эл мамлакатларига чиқариламоқда. Забенистон марксизмдаги пахта терин машинаси ҳатто Америка Қўшма Штатларига ҳам берилмоқда.

Ленин Туркистон ва шу жумла

дан, Ўзбекистон бундан кейин ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади, деб Мирза-Янчилик ва оғир даврларни шараф билан енди. Лениннинг буюк кооператив плани асосида миллион-миллион майда деҳқон хўжаликлари социализм йўлига тушиб олди. Коллектив — колхоз хўжалиги вужудга келиб, эндиликда деҳқонлар учун коммунизм мактабига айланди. Ленин Маркс ва Энгельснинг майда деҳқон хўжалиги ҳақидаги ва уни бирик хўжаликка айлантириш ҳақидаги ўлмас таълимотларини ривожлантирди. Шундай қилиб, Ленин пролетариат диктатураси шароитида социалистик кооперациянинг ролига буюк баҳо берди. Албатта, қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ишчилар синфининг етакчилиги ва раҳбарлик ролисиз амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳам кўрсатиб берди. Ишчилар синфи социалистик жамиятнинг раҳбар ва етакчи қучидир.

В. И. Лениннинг ўлмас мероси асосида мамлакатда сёсий ва иқтисодий вазифалар амалга ошгандан сўнг маданий революция ўтказиш, халқ маорифи системасини вужудга келтириш вазифаси турар эди. Ленин ўтмишда қолоқ бўлган мамлакатимиз маданиятини қисқа муддат ичида ривожлантириш мумкин эканлигини кўрсатиб берди. Коммунистик партия Лениннинг бу вазифани ҳам амалга ошириш ва қисқа вақт ичида мамлакатимизда маданий революция галаба қилди.

Ленин ўтмишда қолоқ бўлган халқларнинг социалистик жамият қуриш жараёнида сёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги қолоқларини қисқа муддат ичида тугатиш, — миллий масалалар партия олдида турган энг муҳим вазифадир, деб кўрсатди. Доҳийнинг бу кўрсатмаси татанасини эндиликда Забенистон мисолида ҳам кўриб туримиз. Социализмга капиталистик тараққиётнинг четлаб ўтган Забенистон бугун йирик индустриал-аграр мамлакатга айланди. Забенистоннинг саноат маҳсулотлари эндиликда 100 га яқин чет эл мамлакатларига чиқариламоқда. Забенистон марксизмдаги пахта терин машинаси ҳатто Америка Қўшма Штатларига ҳам берилмоқда.

Ленин Туркистон ва шу жумла



ЯРАТУВЧИЛИК МЕҲНАТИ САМАРАСИ

Фабрика ҳовлисига кириб келганимизда ўзимизни тўйхонага кириб қолган кишидек ҳис этдик. Атлас қўлак кийиб олган қўлчиликчи на қизлар стол ясаётимизда. Ошпаз илгитлар эса дошқозонларга сабзи-пиез бостириш билан банд. Кабоб ҳиди димоқни қитқилайди. Созанда ва бастакарлар ҳам шу ерда. Фабрика директори Ҳамдам ака Комилов, касабаси союз комитетининг раиси Салтанат Зиёмухамедова цех бошлиқлари билан бирга намунали меҳнат қилган ишчи ва хизматчиларга мукофот пулини тақдимлашарди.

Қўб ўтмай меҳмонлар ташириб буюришди. Фабрика ҳовлисига бирин-кетин нуруйи отахон ва онахонлар, фабрика машааллари, ишчи илгит ва қизлар кириб кела бошладилар. Уларнинг чехралари очик, кўзалари қувончга тўла, ишчи ва хизматчилар бир-бирларини меҳнат галабалари билан табрикларларди.

Карамель цехининг моҳир ишчиси Умирохон Мирҳолқовна тўпланганларни ичкарига тақдир этди. Кўбга кириб 400 кишилик дастурхон ёзилган. Столлар ноз-неъматларга бой. Радио орқали азиз меҳмонларга атаб самимий сўзлар янграб турибди. Турда, қизил полотнода В. И. Лениннинг каттакоп портрети осилган.

Тантана бошланди. Ҳамдам ака Комилов коллектив аъзоларини 1969 йилда улкан зафар қучганлари билан қизгин табрикларди. Коллективнинг ўтган беш йил ичида эришган ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Бундан беш йил муқаддам «Ўртоқ» кондитер фабрикаси Киров райони бўйича ва шаҳар бўйича оқсб келатган корхоналар каторида юрарди. Бу ерда таъйрланаётган маҳсулот

Шу пайт клубга корхона партия ташкилотининг секретари Хўжа Ҳанимов кириб келди. У байроқни баралла, кўтариб, хилиратиб минбар томон борарди. Бу ўз ўрнида хоҳирин тантаналарга келиб қўшилган яна бир катта соғат бўлди. Киров район партия комитети ва индустрия комитети коллективни ўтган йил туртинчи қавардада қўлга киритган ютуқлари учун кўчма Қизил байроқ билан мукофотланганди.

Қалбларини ҳаяжонга тўлдирувчи музика янграмоқда. У меҳмон ва меҳмонларни ўйин-кулишга, мириқиб ҳордиқ чинарлига даъват этарди. Любар рус қизининг шўх рақси, Ўзбек илгитининг қувонқ қўшиғи қалбларини ҳаяжонга солди. Шоду хурамлиқ авжида. Ҳаммамнинг кайфияти чоғ. Тантана алламаҳалга давом этди.

«Ўртоқ»ликлар улкан режалар тузиб, порлоқ истиқбол сари шахдам қадамлар билан боришарди. Улар Ленин юбилейи йилини меҳнатда катта натижалар билан яқунлашга аҳд қилишган. 1970 йил қувончли натижалар билан бошланди. Январ ойида планга қўшимча 130 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришди. Башарият доҳийси В. И. Лениннинг 100 йиллик тўйини арафасида коллектив тўрт ойлик планини бажаришга аҳд қилган. Беш йиллик плани 1 декабрда бажарилди, демокдалар. Элюрт дастурхонини лаззатли ширинликлар билан бойитган ва бу йўлда тинимсиз самарали меҳнат қилган қандолатчиларга келмакдаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА: Фабрика директори Ҳамдам Комилов (чапда) илгорларга 13-маошнинг топишмоқда. (Ўнгда). Қўчма Қизил байроқни топириш пайти.

А. Абалян фотолари.

Дунё лабораторияларида РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР

Венгер олимлари радиоактив чикиндиларни қўшнинг янги усулини таъкид қилди. Бунда радиоактив чикиндилар одатдаги цемент контеинерларда эмас, балки асфальт блоклар ичига солиниб қалайлаб қўйлади.

ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАР

Францияда Париж ва Лион шаҳарлари ўртасида тез юрадиган поездлар темир йўли қурилиши пойтахти устида иш олиб бориламоқда. Бу йўлда икки газотурбинли двигателга эга бўлган локомотивлар хизмат қилади. Максимум тезлик соатида 300 километрдан ошди. Жадвал бўйича кундузи ҳар ярим соғатда поездлар қатнай бошлади.

МЕТЕОРИТ ИККИ МИЛЛАРД ЭШДА

16 сентябрда Сухий Дул (Чехославкия) қишлоғидаги уйлардан бирининг томига метеорит тушди. «Полице» деб аталган бу метеоритнинг ёши текширишларга кўра тахминан 2 миллиард йилни ташкил этган. Текширишлар тугаллагач, метеорит Прагадаги Миллий музей коллекциясида экспонат бўлиб қолади.

«ТАШЕЛЬМАШ» заводининг илгор ишчиси Н. Пануров келатди 25 йилдан бери ишлайди. У шу кунларда ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб қўллик топиришнинг доимо 130—150 процент қилиб ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда. Суратда: ўртоқ Н. Пануров иш устида.

А. ТУРАЕВ фотоси.

— ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

САИДА ОПАНИНГ БАХТИ

Бутун борлиқни қоплаб олган қуёқ усунан бирозда тарқалди. Қуёш атрофга оқиб турарди. Кўчада одамлар, машиналар, трамвайлар қатнови гажим. Ҳамма ишта шошилади.

Хазиргина келиб тўхтаган трамвайдан тушган ўрта бўйли, тўладан келган аёл — Саида Акрамова катта кўчини кесиб ўтиб, завод томон шошилади.

Тошкентдаги 2-нон заводнинг асосий цехида иш қилган. Цехининг турга «Мехнатдаги галабаларимиз» — доҳин В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига» деган шпор осиб қўйилган.

Коллектив беш йилликнинг туртинчи йилида қувончли натижаларни қўлга киритганди. Йил давомида 2049 тонна, яъни пландагидан 122 тонна кўб маҳсулот ишлаб чиқаришди, 15 тонна хомаше иқтисод қилинди. Бу эса 17,5 тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. 15 йил сўй давлат маблагини тежаб қолди. Қувончли сўйи, нонлар бўрсилдоқлиги, ширинлиги билан эл оғзига тушди.

Узаро мусобақада ғолиб чиққан цех коллектив беш марта заводнинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олганга сазовор бўлди. Саида Акрамова кўп йиллардан бундан шубҳа раҳбарлик қилиб келмоқда.

...Саида ўрта мактабни тугатиб, қўлға етуклик аттестатини олган, онасига маслаҳат солди.

— Қизим, — дея гап бошлади онаси, — менимча, керакки бир касбин эгаллаган киши



чинакам бахтни бўлади. Сен ҳам бирор хувар эгаллагин. Хуварни бор киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Саида ўша йили ФЭУга ўқишга қарди. Уни 1950 йилда тугатиб, шу заводга ишга юборилди. Ўша пайтларда цехдаги ишнинг 50 проценти қўб кучи билан бажариладди. Саида дастлаб сифат назоратчиси, сўнгра технолож бўлиб ишлади. 1962 йилда эса завод маъмуриятини уни Олмаот шаҳрига мастерлар тайёрлов курсига ўқишга юборди.

Ордадан йиллар ўтди. Бу орда цех қайта ташкил қилиниб, янги машиналар келтирилди, вентиляция усуллари ўрнатилди. Ўқиниш тугатиб, завод қулоғига қайтган Саида цех мастери бўлди. Хазир эса цех бошлиғи бўлиб ишламоқда.

У энмагэн туриб меҳнат қилаётган илгорлар — Ҳасан Илдошев, Қўчкор Исмолов, Зинаида Филиппова каби нонвойлар ишдан беҳад мамун.

— Биз, — дейди завод партия ташкилотининг секретари М. Янилева, — Саида каби илгорларимиз билан фахрланамиз.

Ҳа, Саида Акрамова меҳнатдан бахтини топан аёллардан. У кўнчалликнинг ишончини ва хураминини қозонибди бахтига ўзининг 20 йиллик ҳалол меҳнати аъзаига эришди. Опанинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланган. У «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Хазир у — Октябрь район Советининг депутаты.

М. ҚАЮМОВ.

